

Нарпай монтаж қурилиш кейинги ўринларда "Бажарувчи" деб юритилади. Ўзининг низоми асосида иш юритувчи Ф.Турсунов, Нарпай туман хокимлиги кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади, ўзининг устави асосида иш юритувчи Д.Зиядуллаев номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича "Бажарувчи" "Буюртмачи" га Нарпай тумани Тинчлик маҳалласи У.Примов кўчасидаги 2-сонли кўп қаватли уйни жорий таъмирлаш учун (кейинги ўринларда - "Хизматлар" деб юритилади) хизмат кўрсатиш, "Буюртмачи" ушбу "Хизматлар"ни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. "Хизматлар"нинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи, шунингдек уларни кўрсатиш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада келтирилади.

II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. "Буюртмачи"нинг ҳуқуқлари:

2.1.1. "Бажарувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

2.1.2. "Бажарувчи"дан "Хизматлар" "Буюртмачи"нинг ҳисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;

2.1.3. "Бажарувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган кўрсатилишини буюртманомага мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган "Хизматлар" кўрсатилишини талаб қилиш;

2.1.4. зарур сифатга эга бўлмаган "Хизматлар" кўрсатилган тақдирда ўз танлашига кўра:

- зарур сифатга эга бўлмаган "Хизматлар" шунга ўхшаш "Хизматлар" билан алмаштирилишини;

- "Хизматлар"нинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар "Буюртмачи" ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғрилиниши харажатларини қоплашни;

- баҳосининг мутаносиб тарзда камайрилишини талаб қилиш;

2.1.5. шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини "Бажарувчи"дан талаб қилиш.

2.2. "Буюртмачи"нинг мажбуриятлари:

2.2.1. «Хизматлар»ни 2022 йил 1 январь ҳолатига ҳосил бўлган туман маҳаллий бюджетининг эркин қолдиқ маблағлари доирасида "Бажарувчи" билан шартнома тузиш;

2.2.2. Ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган "Хизматлар"ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

2.3. «Бажарувчи» куйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Кўрсатилган "Хизматлар" учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш;

2.3.2. Берилган буюртманомага мувофиқ кўрсатилган "Хизматлар"ни қабул қилиш асосиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш.

2.4. «Бажарувчи» куйидагиларга мажбур:

2.4.1. «Буюртмачи» билан тузган шартномаси Нарпай тумани бўйича Ғазначилик бўлинмасидан руйхатдан ўтказилгандан сўнг "Хизматлар"ни кўрсатиш;

2.4.2. "Буюртмачи"га "Хизматлар"ни мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи" томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда кўрсатиш;

2.4.3. Агар "Хизматлар"ни кўрсатиш жараёнида "Бажарувчи" шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, "Буюртмачи"нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 30 кун муддатда текин тузатиб бериш.

2.4.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги 1154-сонли фармонида асосан барча мулкчилик шаклларидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг истемолчилар ва буюртмачиларга, агар улар етказиб бериладиган товар (бажариладиган ишлар, курсатиладиган хизматлар) қийматининг камида 15 фоизини олдиндан тўламасалар, маҳсулот жўнатиши, ишларни бажариши ва хизматлар кўрсатилиши тақиқланган.

III. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Мазкур шартнома 2022-йил 7 апрелдаги ўтказилган танлов комиссиясининг электрон баённомасига кура 59 900 000,0 (Эллик тўққиз миллион тўққиз юз минг) сўмни ташкил этади.

3.2. Бинони жорий таъмирлаш учун олдиндан 30% тулов амалга оширилади.

3.3. Кўрсатилган "Хизматлар" учун пул кўчириш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартномада қурилиш муддати танлов комиссиясининг электрон баённомасига кура 2022-йил 9 апрелдан 2022-йил 9 июн қилиб белгиланади ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. "Хизматлар" қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. "Буюртмачи"нинг Ҳисоб-китоб ҳужжатида ғазначилик бўлинмаларининг штампида кўрсатилган сана "Хизматлар"га ҳақ тўлаш бўйича "Буюртмачи" мажбуриятлари бажарилган сана ҳисобланади.

4.4. "Буюртмачи" муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган "Хизматлар"ни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.5. Назарда тутилган миқдордан ортикча бир номда "Хизматлар" кўрсатилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги кўрсатилмаган "Хизматлар" ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва кўрсатилмаган "Хизматлар"нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай "Хизматлар" "Буюртмачи"нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

4.6. Кўрсатилган "Хизматлар" бевосита "Буюртмачи"нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада кўрсатилган "Хизматлар" миқдори, уларнинг сифати кўрсатилади.

4.7. шартномада назарда тутилган "Хизматлар" кўрсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи"нинг буюртманомаси кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда "Бажарувчи" Буюртмачиларнинг буюртманомаларини руйхатдан ўтказиш дафтари юротилади. Буюртманома "Хизматлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш мўлжалланаётган санасигача камида 5 кун олдин почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Буюртманомани қабул қилишда "Бажарувчи"нинг ходими "Буюртмачи"да қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

4.8. "Буюртмачи" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд "Хизматлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Бажарувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қилади.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Кўрсатилаётган "Хизматлар" сифати, миқдори "Бажарувчи" томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда "Бажарувчи" кўрсатилаётган "Хизматлар"нинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади, ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари буюртмачига нотўғри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.2. Агар кўрсатилган "Хизматлар"нинг сифати, ассортимент, навлари стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон кўрсатилган, сифати зарур даражада бўлмаган "Хизматлар" қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.3. "Хизматлар" кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун "Бажарувчи" "Буюртмачи"га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган "Хизматлар"нинг 25 фоизи миқдорда жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, "Бажарувчи" "Буюртмачи"га "Хизматлар" кўрсатилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

5.4. Хизматлар кўрсатиш кечиктирилган ёки тўлиқ кўрсатилмаган тақдирда "Бажарувчи" "Буюртмачи"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган "Хизматлар" қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва "Хизматлар" кўрсатиш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ кўрсатилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

5.5. Кўрсатилган "Хизматлар" учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Буюртмачи" "Бажарувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда махсус ҳисобрақамидан пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.6. "Буюртмачи" томонидан тегишли контрактация шартнома бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун "Буюртмачи"ни жавобгарликка тортишда шунингдек унинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) "Буюртмачи" томонидан контрактация шартнома бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган "Бажарувчи"нинг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади. "Бажарувчи"нинг айби билан контрактация шартноманинг "Буюртмачи" томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда "Бажарувчи" томонидан қопланади.

5.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

7.1. Мазкур шартнома 2022 йил «9» апрелдан 2022 йил «31» декабргача амалда бўлади.

7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

VIII. ФОРС - МАЖОР.

8.1. Тарафлардан бири шартноманинг энгил булмайдиган куч, яъни фавқулодда муайян шароитда олдини олиб булмайдиган вазиятлар (табиий офатлар, ноқулай об-ҳаво шароити, ҳукумат тадбирлари, ҳокимият органларининг қарорлари, ҳарбий низолари, ички тартиббузарликлар ва бошқа табиий офатлар) форс – мажор туфайли бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги исботланса жавобгар булмайди.

8.2. Мазкур шартнома бажармаган ёки лозим даражада бажарилмас томонлар Ўзбекистон Республикаси «Хужалик юритувчи субъектлари фаолиятининг шартномавий – ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг бошқаамалдаги қонунлари талаблари бўйича жавобгар бўлади.

IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибда бекор қилиниши мумкин.

9.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шarti билан ҳақиқий ҳисобланади.

9.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

9.4. Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар (қўшимчалар рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

10. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

10.1. 2014 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикасининг БЮДЖЕТ КОДЕКСИ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 2016 йил 22 декабрда 2850-сон билан рўйхатдан ўтказилган "Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг фазна ижроси Қоида"лари (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2016-йил 22 декабрда 2850-сон билан рўйхатдан ўтказилган)га ҳамда Ўзбекистон республикасининг давлат харидлари тўғрисида 684-сон қонунига асосан, 59 900 000,0 (Эллик тўққиз миллион тўққиз юз минг) сўмлик №5 сонли шартнома 2022-йил «9»апрелда 2 нусхада тузилиб тарафлар томонидан имзоланиб Нарпай туман Ҳазначили бўлинимасидан рўйхатдан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга қиради.

11. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Бажарувчи»

«Буюртмачи»

Номи: Нарпай монтаж қурулиш х/к

Манзил: Нарпай туман

Тел/факс:

х/р: 20208000604750006001

Банк номи: Каттакургон ш. АТ Саноат-Қурилиш банк Каттакургон ф.

МФО: 00316 ИИН: 301027652

ОКОНХ: 01200

Раҳбар:  Ф. Турсуев

Номи: Нарпай туман Ҳокимлиги

Тел/факс:

Шх/в: 100022860182187013990018007

Банк номи: Марказий банк Тошкент ш. БХККМ

МФО: 00014 ИИН: 200752665

ОКОНХ: 97600

Раҳбар:  Д. Зиядуллаев

Нарпай тумани бўйича Ҳазначилик

бўлинимаси х/р 23402000300100001010

Марказий банк Тошкент ш. БХККМ

МФО -00014

ИИН-201122919 ОКОНХ-97160

Ҳуқуқшунос:

Лицензия (диплом) № берилган санаси:

№ _____ 20 _____ йил

« _____ » _____ 2022 й. (Имзо)

Ҳуқуқшунос

Лицензия (диплом) № берилган санаси:

Гувоҳнома №- _____ йил

« _____ » _____ 2022 й. (Имзо)

Настоящее приложение является неотъемлемой частью
к договору № 5 от «9» апрел 2022 года
заключенным между **Нарпай туман Хокимлиги**
Нарпайского района
(наименование организации)

и **“Нарпай Самстрой” х/к**
(наименование организации)

СПЕЦИФИКАЦИЯ

Поставщик “Нарпай монтаж қурилиш” хусусий корхонаси	р/с 20208000604750006001				
Банк Кишлоқ қурилиш банк Каттақурган ф	МФО 00316				
ИНН : 301027652	ОКНХ 61200				
Покупатель Нарпай туман Хокимлиги	ШХВ: 100022860182187013990018007				
Марказий банк Тошкент ш. ББХККМ	МФО 00014				
ХР 23402000300100001010	ИНН : 200752665				
ИНН 201122919	ОКНХ 97600				
№	Хизматларнинг тури	Улчов бирлиги	Улчами	Нархи	Суммаси
1	Нарпай тумани Тинчлик махалласи У.Примов кўчасидаги 2-сонли кўп қаватли уйни жорий таъмирлаш	Сум	1	59 900 000	59 900 000
	Жами :				59 900 000

Поставщик

Нарпай монтаж қурилиш х/к

(наименование организации)



(подпись и Ф.И.О. руководителя)

Место печати

Покупатель

Нарпай туман хокимлиги

(наименование организации)



(подпись и Ф.И.О. руководителя)

Место печати

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
“Нарпай туман ҳокими ўринбосари,
комиссия раиси


Д.Зиядуллаев

Нарпай тумани Тинчлик маҳалласи У.Примов кўчасидаги 2-сонли кўп қаватли уйни жорий таъмирлаш бўйича хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида танлов ўтказиш бўйича комиссия йиғилиши
БАЁНИ

Нарпай туман

«09» апрел 2022 й.

Раислик қилувчи

Д.Зиядуллаев

Иштирок этган комиссия аъзолари:

М.

А.Омонов

Комиссия аъзоси, ҳуқуқшунос

И.Ахмедов

Комиссия аъзоси, бош мутахассиси

Ж.Худойназаров

Комиссия аъзоси, етакчи мутахассиси

Ж.Норкулов

Комиссия аъзоси, бош ҳисобчи

Ф.Нурмуродов

Котиб, бош мутахассиси

КУН ТАРТИБИ:

Нарпай тумани Тинчлик маҳалласи У.Примов кўчасидаги 2-сонли кўп қаватли уйни жорий таъмирлаш бўйича.

(Д.Зиядуллаев, А.Омонов, И.Ахмедов, Ф.Нурмуродов, Ж.Худойназаров)

Туман ҳокимлиги томонидан 2022 йил 31 мартда Ўзбекистон Республикаси Товар ва хом-ашё биржасининг электрон порталига Нарпай тумани Тинчлик маҳалласи У.Примов кўчасидаги 2-сонли кўп қаватли уйни жорий таъмирлаш бўйича №61504-лот рақами билан эълон жойлаштирилди. Мазкур лот бўйича 2022 йил 7 апрелдаги энг яхши таклифларни танлаш савдосини ўтказиш бўйича давлат харидлари комиссиясининг электрон портали орқали шаклланган Нарпай тумани Тинчлик маҳалласи У.Примов кўчасидаги 2-сонли кўп қаватли уйни жорий таъмирлаш бўйича баённомасига асосан эълон якунига кўра Комиссия аъзолари томонидан “Нарпай монтаж қурилиш” хусусий корхонаси ғолиб деб топилганлигини инобатга олиб:

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан

комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Икки иш куни давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича ҳеч қандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. туман ҳокимлиги бош бухгалтери Ж.Норкуловга:

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда комиссия аъзоларининг 2022 йил 31 мартдаги электрон баённомасига асосан ғолиб “Нарпай монтаж қурилиш” хусусий корхонаси билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.

3. Бош мутахассиси Ф.Нурмуродовга хизмат кўрсатиш сифат даражаси назорат қилинсин.

Комиссия аъзолари

М.

А.Омонов

И.Ахмедов

Ж.Худойназаров

Ж.Норкулов

Ф.Нурмуродов